

Туркистонда ўн беш йилча ҳукмронлик қилган чоризм генерали фон Кауфман Тошкентда қозилик қилган Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон ҳақида: "У зот Худодан бўлак ҳеч қимдан қўрмаган ажойиб инсон эди" дея, энг зўр рақибига тан беришга мажбур бўлган. Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон вафотидан сўнг қозикалонлик лавозими барҳам топиб, Себзор даҳа қозиси мансабини у кишининг ўғли Муҳиддинхўжа эгаллайди. Муҳиддинхўжа ҳам маърифатпарвар, халқнинг маданиятли бўлиши ҳақида қўп қайгурувчи, илм-фанни суйган киши эди. Даврининг илгор зиёлиларидан бўлган Муҳиддинхўжанинг шахсий кутубхонасида жамланган ноёб қўлёзмалар қаторида Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"сининг жаҳонда ягона муқаммал нусхаси ҳам бор эди (ундаги тўксон саҳифадан иборат қириш қисми бошқа бирорта нусхада учрамайди). Ана шу ноёб қитоб билан боғлиқ бир воқеа қозининг нечоғли маърифатли бўлганига далолатдир.

Ўша давр манбаларидан маълум бўлишича, Муҳиддинхўжа қозининг маърифатпарварлик фаолияти генерал-губернаторликка ҳам, маҳаллий мутаассибларга ҳам асло ёқмаган. 1899 йил охириларида ана шу адоват туфайли қозининг ашаддий душманлари уни бир даъвогардан катта пора олишда айбламоччи бўлишади. Сирдарё губернатори, вилоят прокурори, шаҳар ҳокими қабил мустамлақачи амалдорлар қатнашган шаҳар қозилари йиғинида шу масалани қўриб қиришга қарор қилинади.

Йиғинга Муҳиддинхўжанинг порахўр эмаслигини исботлаш учун йиғирма чоғли ҳолис гувоҳ қелади. Лекин улардан бирортасининг сўзини эшитишмайди. Аксинча, Муҳиддинхўжани Қаломуллох билан қасам ичишга мажбурлашади. Қуръон билан қасам ичиш гоёт оғир ҳол эканини, қасамхўрлик эл-юртда мақбул иш эмаслигини қилган Муҳиддинхўжа йиғилганлардан ҳолис гувоҳлар сўзини эътиборга олишни илтимос қилади. Лекин улар қасддан оёқ тираб туриб олғач, қасам ичишдан қўра тухмат қилинган маблағни тўлашни афзал қилиб, йиғинни тарқ этади.

Бирок бунча маблағни тўлашга қозининг қурби етмас эди. Шу важдан ота-боболаридан қолган ягона бойлик — қаттагина ажойиб боғига ҳарбий ташкилотни ижарага қўйиб, "қарз"дан қутулмоқчи бўлади.

Орадан бир неча ой ўтаб, 1900 йилги Халқаро Париж қўрғазмасидан Муҳиддинхўжа қози номига шошилинч телеграмма қелади. Унда илгарирок қози Париж қўрғазмасига юборган Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"сининг ноёб нусхасини қатга маблағ тўлаб, сотиб олишга розилик қўралган эди. Қил қасали билан оғриётган, айни пайтда иқтисодий танг аҳволда турган қозига биргина ана шу қўлёзмани сотиш қифоя қиларди. Аммо маънавий ҳазинанинг ноёб дурдонасини ҳеч нарсасига алишмай, телеграф орқали рад жавобини беради ва қўлёзмани ўзига қайтаришларини сўрайди. Шу тариқа маърифатпарвар қози Муҳиддинхўжа қозлигини қериб, обрўини тўқиб бўлса ҳам, "Зафарнома"ни қелғуси авлодлар учун саклаб қолади.

Шариф ЮСУПОВ,

адабиётшунос ва муаррих

Манба: Шариф Юсупов. «Тарих ва адаб бӯстони», Т., «Маънавият», 2003, 63-6.